

the corresponding job description, and constantly improving state educational standards.

In General, summarizing all the information obtained, it is recommended to draw the attention of representatives of MHSSE and the Ministry of health of the Republic of Uzbekistan, and also representatives of the scientific medical community to the question of the further development and implementation of modular educational programs and to strengthen integration processes to consider the possibility of participation of medical schools in the establishment of international joint graduate and doctoral research schools using ECTS and the diploma Supplement.

## **References**

1. [http://www.ehea.info/Uploads/about/BOLOGNA\\_DECLARATION1.pdf](http://www.ehea.info/Uploads/about/BOLOGNA_DECLARATION1.pdf)
2. <http://www.ehea.info/members.aspx>
3. <http://www.ehea.info/article-details.aspx?ArticleId=73>
4. [http://eacea.ec.europa.eu/TEMPUS/tools/documents/issue09\\_Bologna\\_state\\_play\\_12\\_0720\\_ru.pdf](http://eacea.ec.europa.eu/TEMPUS/tools/documents/issue09_Bologna_state_play_12_0720_ru.pdf)

## **КРЕДИТ МОБИЛЛИК ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Рихсиева Г.Ш.**

*Ушбу мақолада мобилликнинг таълим сифатини таъминловчи омил сифатида Европа таълим муҳитидаги аҳамияти, шунингдек, талабалар ва ўқитувчилар халқаро алмашинувининг аҳамиятга молик жиҳатлари ёритилган, мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва мобилликни кенгайтириш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларига оид таклифлар берилган.*

*Калит сўзлар: мобиллик, таълим сифати, халқаро алмашинув, талабалар, олий таълим муассасалари*

## **CREDIT MOBILITY AS FACTOR OF QUALITY ASSURANCE**

**Gulchekhra Sh.Rikhsieva**

*The article considers role of mobility as a factor guarantees education quality in the European higher education institutions, as well as issues of students and teachers international exchange . It also presents proposals on development of international relations in universities for quality assurance and mobility.*

*Keywords: mobility, quality of education, international exchange, students, higher education institutions.*

## КРЕДИТНАЯ МОБИЛЬНОСТЬ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Рихсиева Г.Ш.

*В данной статье рассмотрен роль мобильности как фактор гарантии качества образования в Европейском пространстве высшего образования, а также вопросы международного обмена студентами и преподавателей, даны предложения по развитию международных связей в вузах для повышения качества образования и расширения мобильности.*

*Ключевые слова:* мобильность, качество образования, международный обмен, студенты, высшие учебные заведения.

Мамлакатимизда бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи вазифалари доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ислохотлар жараёнида таълим тизимида, айниқса, олий таълимда ўқув жараёни сифатини ошириш энг муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу жараёнда ўз тажрибаларимиз қаторида хорижий мутахассисларнинг ҳам таълим сифатининг кафолатини таъминлашга оид фикрларини ҳам ўрганиш аҳамият касб этади. Жумладан, Европада Болония жараёнларининг муҳим талабларидан бири ҳам айнан таълим сифати кафолати масаласи бўлиб, айнан шу масала мутахассисларнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда таълим стандартларини уйғунлаштиришга йўналтирилган ягона таълим муҳитини яратишга интилишлар мавжуд. Европа таълим тизими Болония жараёнлари билан боғлиқ ҳолда катта бир умумий таълим майдонига айланган. Айнан шу жараёнларни такомиллаштириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, таълим натижаларини ўзаро тан олиш, соҳа бўйича замонавий билимларга эга мутахассисни тайёрлашга қаратилган таълим сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос шакллари ишлаб чиқилган.

Бу ўринда Европа таълим муҳитида яратилган ва анчагина тажрибадан ўтказилган ҳуқуқий меъёрий базанинг мавжудлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, Европа таълим муҳитида таълим сифати ва кафолатининг ўзига хос стандарт талаблари ва жараёнларни назорат қилиш принциплари ишлаб чиқилган бўлиб<sup>9</sup>, мазкур жараёнда таълимнинг юқори сифатга эга бўлишини таъминлаш энг устувор масала бўлиб қолмоқда. Чунки Болония жараёнларининг бошқа барча муҳим элементлари ҳам айнан таълим сифатини таъминлаш қаратилган. Ўзаро очиқ таълим муҳити талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллигининг ортиб боришига шароит яратган бўлса, олимларнинг ҳамкорлиги натижасида янги билим ва тажрибалар алмашилиши, бу эса таълим сифатига ижобий таъсир этиши кузатилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда таълим сифати кафолати бўйича 3 хил миқёсдаги ҳаракатларни кузатиш мумкин. Булар: глобал, континентал (минтақавий) ҳамда профессионал (касбий).

<sup>9</sup> Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area (ESG)// [http://www.equip-project.eu/wp-content/uploads/ESG\\_2015.pdf](http://www.equip-project.eu/wp-content/uploads/ESG_2015.pdf)

*Глобал* миқёсда бу масалалар билан шуғулланувчи INQAАНЕ – олий таълимда сифат кафолати агентликларининг халқаро тармоғи (Иринг Вассер таълим сифати кафолати соҳасида INQAАНЕни ЮНЕСКО билан қиёслаган); *минтақавий* миқёсда ENQA – Европа олий таълим тизимида сифат кафолати уюшмаси, ЕСА – Европа аккредитация консорциуми, SEENQA – Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари олий таълим тизимида сифат кафолати агентликлари тармоғи, CANQA – Марказий Осиё сифат кафолати ва аккредитация тармоғи ҳамда APQN – Осиё-Тинч океани сифат кафолати тармоғи. Профессional миқёсда таълим сифати кафолати масалалари билан шуғулланувчи ENAEE – муҳандислик соҳасида таълим сифати кафолати аккредитацияси бўйича Европа тармоғи, EQANIE – информатика соҳасида таълим сифати кафолати аккредитацияси бўйича Европа тармоғи, АЕС – Европа консерваториялари уюшмаси, ECTNA – кимё соҳасида таълим сифати кафолати аккредитацияси бўйича Европа комитети ва б.<sup>10</sup> Бу ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам, аввало, таълим жараёнида сифат кафолатини таъминлаш, жараённинг восита ва омиллари, интернационализация ва мобилликнинг самарадорлиги каби масалаларни турли даражада таҳлил ва назорат қилиб боради. Таълим сифати кафолати бўйича халқаро миқёсда турли семинарлар, анжуманлар, тренинглар ташкил этиб келинмоқдаки, бу масаланинг ниҳоятда долзаб бўлиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунгача таълим сифатининг юқори даражада бўлишига бевосита таъсир этувчи омиллар бўйича мутахассисларнинг турлича қарашлари мавжуд. Жумладан, билим олувчиларнинг савияси, педагогларнинг билими ва маҳорати, уларнинг компетентлиги ва креативлиги, таълим жараёнининг моддий-техник таъминоти, жараён мониторингининг тўғри ташкил этилиши ва натижаларнинг таҳлили кабилар. Мазкур омиллар ҳар бир олий таълим муассасасининг ривожланиш стратегиясининг ўқув ва илмий жараёнлар билан боғлиқ қисмларида албатта ўз аксини топади. Айниқса, ўқув дастурларининг замонавий талаблар асосида бўлишига эришиш, реал меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашга йўналтирилганлиги, он-лайн таълимни амалга оширишга шароитлар яратиш, илмий фаолиятга ёшлардаги эҳтиёжни кучайтириш, олий малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, касбий таълимга йўналтириш кабиларга бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ҳам муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари тажрибаларини ўрганиш ва ижобий жиҳатларини бизнинг тизим доирасида татбиқ этиш масаласи мутахассислар ва экспертлар олдига ҳам қатор

---

<sup>10</sup>Иринг Вассер «Болонский процесс – 2020: новые тенденции в развитии гарантии качества образования в Европе»// Всероссийская конференция Гильдии экспертов в сфере профессионального образования «Внедрение европейских стандартов и рекомендаций в системы гарантии качества образования».– [http://www.akvobr.ru/mobilnost\\_instrument\\_garantii\\_kachestva.html](http://www.akvobr.ru/mobilnost_instrument_garantii_kachestva.html)

масалаларни қўймоқда. Масалан, таълим сифатини таъминлашга хизмат қилувчи жиҳатларни таҳлил қилиш ҳам таълим менеджменти соҳасида чуқур ва атрофлича таҳилларни талаб этади. Биргина мобиллик тушунчасининг моҳиятини ўрганиш ва Европа таълим муҳитидаги аҳамиятни очиб бериш ҳам таълим сифатига таъсирининг турли жиҳатлари ҳақида ўзига хос хулосаларни келтириб чиқаради.

Кредит мобиллик (credit mobility) бутун дунё бўйлаб таълим жараёнидаги интеграцияни кучайтиришга қаратилган фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, бу Болония жараёнининг таянч элементи бўлиб, у орқали таълим муассасалари ва илмий марказларнинг самарали ҳамкорлигини таъминланмоқда, турли таълим дастурларининг қиёсланишига имконияти яратилмоқда ва уларнинг оптимизацияси амалга оширилмоқда. Талабалар, тадқиқотчилар ва ўқитувчилар мобиллик дастурларида иштирок этишлари натижасида ўз йўналишларида янги билимлар базасига эга бўлиб, бошқа университетлардаги таълим дастурлари доирасидаги талаблар билан танишиб, фикр алмашиб қайтадилар.

Мобиллик: 1) талабаларда бошқа мутахассислардан билим олиш натижасида янги билимлар базасини тўлдириш, қиёслаш имкониятига эга кенг дунёқарашли мутахассис бўлишга имкон яратади, бу эса ўз ўрнида рақобат кучли бўлган меҳнат бозорида талабга жавоб бера оладиган кадрнинг етишиб чиқишига таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир эта оладиган меҳнат ресурслари сифатини оширади; 2) тадқиқотчиларга янги материаллар беради ва илмий иш натижаларнинг апробациясини ташкил этиш имкониятини кенгайтиради 3) ўқитувчиларда таълим жараёнида мутахассис ва педагог сифатидаги компетентлигини оширади ва креатив тафаккурни ривожлантиришга таъсир этади.

Академик мобилликни бошқа хорижий стажировкаларидан фарқлаш лозим. Европа таълим муҳитида талабалар бошқа давлатнинг университетида таълим олган давр (семестр ёки ўқув йили) ўзи ўқиётган таълим муассасага қайтганидан сўнг ҳисобга олинади ва у кейинги босқичда ўқиши давом эттиради. Барча фанлар бўйича олган кредитлари (у эришган натижалар, баллар) ўз университетида ҳисобга олинади. Чунки Европада бу жараёнларнинг яна бир таянч элементи мавжудки, у таълим кредитларининг трансфер тизими (ECTS)<sup>11</sup> ҳисобланади. Бир тизимда баҳолашнинг мавжудлиги ҳам мобилликнинг самарадорлигини таъминлайди. Натижаларнинг тан олиниши бўйича тизимнинг мавжудлиги ҳам кредит мобиллик талабалар ўртасидаги алмашинувга кенг имконият яратади.

Маълумки, таълим жараёнининг иштирокчилари талабалар ва ўқитувчилар ҳисобланади. Айнан бу икки иштирокчи нуқтаи назаридан мобилликнинг таълим сифатига таъсири масаласини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Талаба шахсга йўналтирилган таълим жараёнида фаол иштирокчига айланади, ўзини намоён қилиши имконияти унинг ўз устида кўпроқ ишлаши,

---

<sup>11</sup> [ec.europa.eu/education/tools/ects\\_en.htm](http://ec.europa.eu/education/tools/ects_en.htm)

таълим ресурсларидан мустақил фойдаланган ҳолда янги билимларни эгаллашни талаб қилади. Бу жараён эса таълим муассасаларидан ҳамкорликда ўқув дастурларини такомиллаштириб боришни, малака талабларини қайта ишлаб чиқишни талаб этади. Демак, ўқитувчилар ҳам ўз ўрнида ўзаро тажриба алмашиши ва биргаликда таълим дастурларини такомиллаштириш устида ўйлашига тўғри келади. Ўқитувчилар мобиллиги ҳам айнан талаба учун бериладиган таълимнинг замонавийлашувини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Ўқитувчи мобиллиги, аввало, унинг шахсий компетентлиги, мутахассис сифатидаги билимларини янгилashi, ривожланишига таъсир қилса, иккинчи томондан ўз университетидида ўқув жараёнини модернизация қилиш, янги ёндашувлар асосида янги методикаларни жорий этишга замин яратади.

Таълим муассасалари мобилликни таъминлаш учун таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги, ўз педагоглари ва мутахассисларининг юқори компетентлигига кафолат бериши, таълим ресурсларига бойлиги, жараёнларнинг самарали бошқарувига эгаллиги, мунтазам мониторинг ўтказилиши ҳамда дастурларнинг янгиланиб бориши каби талабларга қай даражада жавоб бериши, шунингдек, муассасанинг аккредитацияси натижалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мобиллик таълим жараёнини мунтазам янгилаб, ривожлантириб боришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатини оширади, таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи элементларнинг барчасига алоқадор бўлади.

Мобиллик таълим сифатини оширишда мотивацияни кучайтиради ва ҳар икки ташкилот – ҳамкор олий таълим муассасаларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этади.

Кўринадикки, бутун дунёда таълим жараёнини модернизация қилиш, таълим турлари, шакллари, таълим методологиясини мукамаллаштириш, айниқса, таълим мақсадларига эришишнинг қулай ва самарали усулларини топиш бўйича фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Олий таълим муассасалари аккредитациясининг давлат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ҳар беш йилда ўтказиб борилишида ўқув юртларининг таълим сифати даражасини ошириш бўйича фаолиятини баҳолашда катта ҳамият берилади. Шунингдек, олий таълим муассасалари рейтинги бўйича кўрсаткичлар ҳисобида ҳам таълим сифатига таъсир этувчи омиллар етакчи ўринда туради.

Бугунги кунда республикамиз олий таълим муассасаларнинг талабалари ва профессор-ўқитувчилари Erasmus Mundus, Erasmus+ ташкилотларнинг турли грантлари, лойиҳалари асосида мобиллик дастурларида иштирок этиб келмоқдалар. Албатта, талабалар мобиллигида хорижий университетлар ва маҳаллий ОТМлардаги баҳолаш тизимининг турлича эканлиги сабабли ўқиш жараёни натижалари (баллар)ни тан олиш масаласини тўлиқ ҳал этиш қийин. Аммо талабанинг шахсий компетентлиги даражасидаги ўзгаришлар, билимларининг ошиши, дунёқарашининг кенгайиши, соҳа бўйича халқаро

тажрибаларни ўрганганлиги, тил билимларининг ривожланганлиги кейинги босқичдаги таълим сифатига албатта таъсир этади.

Ўз ўрнида Erasmus+ лойиҳалари доирасида узоқ ва қисқа муддатли мобилликнинг профессор-ўқитувчилар касбий маҳорати ва билимларининг ортишида катта аҳамияти кузатилмоқда. Шунингдек, докторлик дастурини тугаллаган ўқитувчилар ўз мутахассисликлари бўйича замонавий билимларга эга бўлиб, ўз соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш борасида ҳам қатор таклифлар билан чиқмоқдалар. Бу жараёнлар албатта таълим жараёнларини модернизация қилишда, олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга.

Таклифлар:

- халқаро мобилликнинг самарали йўллари топиш, жорий этиш, икки томонлама фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ОТМларнинг Халқаро алоқалари бўлими ходимлари компетентлигини кучайтириш, ХАБнинг Ўқув-услубий бўлим ва Илмий бўлимлари ҳамкорлиги кенгайтириш, янги лойиҳалар яратиш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

- профессор-ўқитувчилар алмашуви натижасида турли соҳаларда фундаментал ва амалий лойиҳаларни яратиш ва бажаришга ОТМ жамоасини кенг жалб этиш мақсадида тажрибали мутахассислар томонидан семинарлар ташкил этиш керак;

- ҳамкорликдаги анжуманлар, семинар ва вебинарлар, он-лайн конференцияларни ташкил этиш ҳамкорликни кучайтиради ҳамда таълим сифатига таъсир этади;

- илмий салоҳиятни оширишга, натижада эса таълим сифатига хизмат қилувчи докторлик таълими бўйича ҳамкорликдаги дастурларни ишлаб чиқиш ва иштирок этиш керак;

- мобиллик иштирокчилари бўлган 2 субъект, яъни талабалар (билим олувчилар) ҳамда ўқитувчилар фаоллигини ошириш зарур. Бунда:

аввало, талабаларни мустақил тарзда билим олишга ўргатиш, керакли ресурсларни мустақил излаб топиш ва ундан мақсадли фойдаланиш малакасига эга бўлиши таълим жараёни натижасини кўтарувчи, замонавий билимга эга мутахассиснинг етишиб чиқишидаги энг асосий омил деб ўйлайман. Айнан мустақил билим олиш ва тегишли зарур билимларни, фанларни танлаб ажрата олиш, шунингдек, билим ва малакани узлуксиз ривожлантириб бориш кўникмасига эга бўлган талаба мобил бўлиши ва талаб қилинаётган стандартларга жавоб бериши мумкин.

Ўқитувчилар мобиллиги ҳам ўз устида тинимсиз ишлашни талаб этади. Бошқа мамлакатдаги турдош соҳа мутахассислари билан бирга ишлаш, малака ошириш, албатта, қисқа ёки узоқ муддатли мобилликнинг ижобий самарасини кўрсатади. Таълим дастурларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, биргаликда ўқув адабиётлари яратиш, илм-фан ютуқларини, тадқиқот натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш каби фаолиятларда мобилликнинг аҳамияти катта.

- мобиллик жараёнини фаоллаштиришдаги тўсиқлардан бири – хорижий тил кўникмаларининг етарли даражада эмаслигини бартараф қилиш зарур. (Шу сабабли ҳам ПҚ-1875-сонли Қарор асосида инглиз тилини чуқур ўрганиш таълимнинг барча босқичларида такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам инглиз тили билимларини чуқурлаштириш, хорижий тилда маърузалар ўқишларини рағбатлантириб бориш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу профессор-ўқитувчиларнинг ўз соҳалари бўйича дунёнинг етакчи университетларида олиб борилаётган таълим жараёни, илмий фаолият билан яқиндан танишиш имкониятини яратади, ўқув дастурлари ва адабиётларини замонавий билимлар билан тўлдириб бориш, ўзаро фикр алмашган ҳолда янги таълим ресурсларини яратишга ёрдам беради);

- баҳолашнинг кредит тизими, маълумки, нафақат Европа таълим тизими, балки АҚШ, Япония, Жанубий Корея Республикаси ва бошқа ривожланган мамлакатлар тизимларида ҳам татбиқ этилган. Биз ҳам эксперимент тарзида муайян таълим йўналишлари ёки мутахассисликлари, ёки маълум бир университетлар мисолида кредитлар тизимини ишлаб чиқишимиз ва аста-секин татбиқ этишимиз керакки, бу жаҳоннинг илғор мамлакатлари таълим жараёнига интеграцияни кучайтиришда бу муҳим омил ҳисобланади;

- он-лайн таълим тизимига кириб бориш учун турли курсларда ўқиш ва он-лайн сертификатларни олишга эришиш ҳам талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг компетентлигини оширади деб ҳисоблайман.

## **СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПРОБЛЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ**

**Касимова Н.А. Усманова Х.**

*Материал подготовлен на основании опыта европейской системы обеспечения качества в высшем образовании. Он также рассматривает основные проблемные моменты в обеспечении и управлении качеством образовательных программ, возможности адаптации хороших практик, определяет первичную ответственность за гарантию качества высшего образования непосредственно со стороны высшего учебного заведения. Автор выделяет ряд подходов и инструментов в решении вопросов управления качеством образовательных программ.*

*Ключевые слова: высшее образование, обеспечение качества, управления качества, гарантия качества, образовательные программы, высшее учебное заведение, аккредитация.*